



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустақамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 17 март, № 54 (7834)

Чоршанба

Сайтга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯНИНГ «ЛУКОЙЛ» КОМПАНИЯСИ РАЎБАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 март куни «ЛУКОЙЛ» компанияси президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.



Учрашувда Вагит Алекперов давлатимиз раҳбарига мамлакатимизда Россиянинг етакчи нефть-газ компанияси иштирокидаги устувор инвестиция ва ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тўғрисида батафсил маълумот берди.

Бугунги кунда «ЛУКОЙЛ» Ўзбекистон иқтисодийётига сарможа киритаётган энг йирик инвесторлардан бири эканини таъкидлаш жоиз. Инвестициялар ҳажми 10 миллиард долларга етмоқда.

Хусусан, 8 миллиард куб метрдан ортқ табиий газни қайта ишлаш қувватига эга Қандим газни қайта ишлаш заводи фаолият юритмоқда. Ҳаузак ва Шоди конлари, Жануби-Ғарбий Ҳисордаги конлар ўзлаштирилмоқда. Мухим гуманитар дастурлар амалга оширилмоқда.

Сўхбат чоғида пандемия оқибатларини енгиб ўтиш ва қўшма лойиҳаларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Қўшма лойиҳаларнинг самарадорлигини ошириш ва «ЛУКОЙЛ» компанияси билан стратегик ҳамкорликни кенгайтиришга қаратилган идоралараро ишчи гуруҳ тузиш ва «Йўл харитаси»ни қабул қилишга келишиб олинди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Мотбуот хизмати сурати.

## Халқ билан мулоқот

### Сенат Раиси Сирдарё вилоятидаги истиқболли лойиҳалар билан танишмоқда

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоевнинг Сирдарё вилоятига ташрифи давомида ҳудудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Дастлабки манзил — Сирдарё туманидаги Истиқбол маҳалласи бўлди. Сенат Раиси бу ҳудудда ташкил этилган маҳалла гузарига ҳамда «Истиқбол» МФЙнинг янги биносини кўздан кечириди.

Мазкур бинода маҳалла расиси ва ўринбосарларининг фаолият юритиши учун барча шароит яратилган. Кенг ва шинам хона ҳамда замонавий ахборот технологиялари билан таъминланган. Қолаверса, бинонинг кириш қисмида китоб дўкони ташкил этилган. Янгидан барпо қилинган болалар ўйингоҳи ҳам кичкинтойлар билан гавжум.

Шу ердаги маҳалла гузаридан 12 та тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Дорихона, сартарошхона, тикчилик цехи, озиқ-овқат дўкони ҳамда маиший шохобчалар аҳолига сифатли хизмат кўрсатмоқда. Ушбу гузарда жами 25 та иш ўрни яратилган. Сенат Раиси тадбиркорлар билан суҳбатлашиб, уларнинг фаолияти билан қизиқди.

Сенат Раиси маҳаллий Кенгаш депутатлари билан учрашув ўтказди. Унда Кенгаш котибиятлари ташкил қилинган депутатлар фаолияти учун янада самарали бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, халқ вакилларига зарур тақлиф ва тавсиялар берилди.

Шундан сўнг Т. Норбоева Истиқбол маҳалласида истиқомат қилувчи Қ. Эгамова хонадонда бўлди ҳамда ҳудудда суҳбатлашди. Қаршигил она «аёллар дафтари»га киритилганлиги боис унга 2 сотихли иссиқхона қуриб берилгани ҳамда «Саховат ва кўмак» жамғармасига келиб тушган маблағлар ҳисобидан хонадони таъмирлаб берилганини мамнуният билан таъкидлади.

Навбатдаги манзил — Сирдарё туманидаги «Sirdaryo Mega-Luks» қўшма корхонаси. Олий Мажлис Сенати Раиси мазкур муассаса фаолияти билан ақидан танишди. Дастлаб «Sirdaryo siti» мажмуасининг бир қисми, дея қаралаётган кўп қаватли турарожи бинолари ва янги инвестициявий лойиҳаларга эътибор қаратилди. Ҳозирги пайтда ушбу лойиҳалар доирасида қурилиш ишлари жадал давом эттирилмоқда.



## Хамкорлик

### Пандемия даврида Барқарор ривожланиш мақсадларига эришишда парламентлар роли

Кеча Осий — Тинч океани минтақасидаги парламентлар учун «Ҳеч ким эътибордан четда қолмайдиган яхши келажақ барпо этиш: парламентлар COVID-19 дан тикланиш стратегияларининг БРМга мос келишини қандай таъминлаши мумкин?» мавзусида вебинар ўтказилди. Форум Парламентлараро Иттифоқ томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Осий ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси (ИИКОТО) билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Вебинар БМТнинг Барқарор ривожланиш мақсадларини (БРМ) пандемия даврида амалга ошириш бўйича Парламентлараро Иттифоқнинг қатор минтақавий тадбирларидан бири саналади.

Унинг очилишида Парламентлараро Иттифоқ Бош котиби Мартин Чунгон ҳамда Осий ва Тинч океани учун Иқтисодий ва ижтимоий комиссияси ижрочи котиби Армида Салсиа Алисбабана сўзга чиқди. Тадбирда 50 дан ортқ ИИКОТОга аъзо мамлакатларнинг парламент аъзолари иштирок этишди.

Вебинар давомида қатнашчилар БРМни амалга ошириш ҳолати, хусусан, пандемия шароитида миллий барқарор ривожланиш мақсадларини рўйба-рўй чикариш бўйича долзарб маълумотлар билан танишди. Парламентариёлар фикр алмашиш ҳамда умумий муаммоларни муҳокама қилиш, шунингдек, эко-

логик тоза тармоқларни тиклаш ва 2030 йилга қадар БРМ муваффақиятларига ҳосса қўлишни амалга ошириш стратегияларига эга бўлди.

Мухокамаларда ҳукумат фаолиятини мониторинг қилиш, миллий масъулиятни мустақамлаш ва БРМни сиёсий қўллаб-қувватлаш учун ихтиёрий миллий таҳлиллар жараёнида парламентлар иштирокининг аҳамиятига эътибор қаратилди.

Уч секцияли мажлисдан иборат бўлган вебинарда барқарор ривожланиш учун 2030 йил даврида кун тартибидеги минтақавий ҳолатни амалга ошириш, COVID-19 пандемияси доирасида БРМга эришиш бўйича тажриба алмашиш, шунингдек, Ихтиёрий миллий таҳлил (ИМТ) ўтказиш минтақавий тажрибаси ва бу жараёнда парламентларнинг иштироки муҳокама қилинди.



## Халқаро анжуман

### ЎЗБЕКИСТОН ЯНА ИЛМ-ФАН МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Самарқанд шаҳрида Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан ҳамкорликда «Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти» мавзусида халқаро анжуман уюштирилди.

Шаҳардаги ёшлар марказида бўлиб ўтган мазкур конференцияда Афғонистон Ислам Республикаси иршод, ҳаж ва вақф ишлари вазирли, Тожикистон Ислам маркази раиси бошчилигидаги делегациялар ҳамда Ўзбекистондан 50 га яқин таълиқ уламолар, етуқ олимлар, нуфузли университетлар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этди.



## ҚАРЗ ҲАР КИМГА ҲАМ БЕРИЛАВЕРМАЙДИ

Ўзбекистоннинг ташқи қарзи ва унинг таркиби бўйича расмий маълумотлар эълон қилинган, ижтимоий тармоқларда, интернет саҳифаларида фуқаролар томонидан турли фикрлар билдирила бошланди. Бизнингча, давлат ва халқ манфаатлари билан боғлиқ масалаларда муносабат билдириш ёки хабар тарқатишдан олдин масала атрофида таҳлил қилиниб, кейин фикр айтилса мақсадга мувофиқдир. Ваҳоланки, тўрт-беш йил илгари давлат қарзи, камбағаллик, қашшоқлик каби сўзларни айта олмадик. Бугун сўз эркинлиги, виждон эркинлиги, эътиқод эркинлиги бобида кенг йўл очилгани сайин, оғзимизга келганини қайтармай сўзлашаримиз. Таҳлил қилишга, қиёслашга эринаямиз.

## Мушоҳада

Тан олайлик. Бугун дунёда қарздор бўлмаган мамлакатнинг ўзи йўқ. Давлат ташқи қарзини муҳтожликдан олмайди. Масалан, АҚШнинг ташқи қарзи 30 триллион долларга яқинлашиб қолди. Япония, Франция, Италия, Россия каби давлатларнинг ҳам халқаро кредиторлар олдида қарзи бор. Давлат қарзи — давлатнинг ташқи ва ички кредиторлар олдидаги қарзлари, шу жумладан, мазкур қарзлар бўйича ҳисобланган фойзалар микдори ҳамдир. Оддий қилиб айтганда, давлат қарзи — бу давлатнинг хорижий кредиторлар (хорижий давлатлар ва сармоядорлар, халқаро молия институтлари) ҳамда ўз фуқаролари ва юридик шахслар — резидентлар олдидаги мажбуриятларидир.

Аслида ташқи қарз мақсадли кредит-

лар, сармоялар ва бошқа маблағларнинг мамлакат иқтисодийётига кириб келишини билдиради. Халқимизнинг фаворон ҳаётини ва барқарор иқтисодий ўсишини таъминлаш учун, аввало, инфратузилмани ривожлантириш талаб этилади. Аҳолининг яшаши, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорлик билан шуғулланиши учун зарур бўлган энергетика, сув таъминоти, транспорт ва коммуникация инфратузилмаларини ривожлантириш учун катта миқдордаги сармоялар талаб этилади. Демак, булар фойда келтирувчи ва аҳолининг фаровон турмушини таъминлашга хизмат қиладиган воситалардир.

Бир омилини яхши аниқлаштириб олишимиз керак. Энг аввало, Ўзбекистоннинг ҳозирги кундаги ташқи қарзи микдори жуда



паст даражада. Буни халқаро молиявий ташкилотлар ва муассасалар, экспертлар ҳам тан олади. Иккинчидан, ташқи қарз хавотирга тутирадиган сабаб эмас. Агар бу қарз ноҳўриги сарфланса ёки очик бўлмаган жараёнлар орқали ўзлаштирилса, ана шундагина хавотир ўринли ва асосли бўлади.

Кейинги йилларда Президентимиз раҳбарлигида халқимиз ҳаёт тарзини яхшилаш йўлида жуда катта мақсад ва вазифаларни амалга оширишга киришилди. Инвестицияларни барқарор жалб этиш ҳам ана шу муҳим вазифалар сирасидан. Биламиз, инвестиция ўз-ўзидан кириб келмайди. Бунинг учун мамлакатда инфратузилмани ривожлантириш зарур. 2016 йилгача ҳам халқаро сармоядорларнинг мамлакатимизга хозиргидек инвестиция олиб кирмаганлигининг асосий сабаби ҳам шунда. Уларга қулай муҳит ва инфратузилма зарур. Олайлик, хорижий сармоядор йўли носоз, электр энергияси, сув таъминоти, интернет ва бошқа керакли инфратузилмалар йўқ жойга бормади. Шу маънода, қарз олиб, уни аниқ ҳисоб-китоблар билан сарфлаб, кейинчалик босқичма-босқич қайтариш жуда тўғри йўлдир.



## ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Ёшларга бўлган эътибор келажаққа қўйилган мустақам пойдевордир. Бугун юртимизда ўғил-қизларимизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни билимли, ҳунарли, ташаббускор бўлиб вояга етишлари учун яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда имкониятлар шундай эзгу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

## Хизмат

Бинобарин, Президентимиз Олий Мажлисга йўллаган Мурожаатномасида қайд этганидек, катта авлоднинг билими ва тажрибасини, узоқни кўра олиш фазилатларини ёшларимиздаги гайрат-шижоат, мардлик ва фидойилик билан бирлаштириш керак, кўзлаган марраларга, албатта, эришамиз. Янги Ўзбекистон ана шундай билимли ва бунёдкор ёшларимиз билан биргаликда барпо этилади.



## САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МУАММОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШГА ҚАРАТИЛГАН

Кунлар қизиб, атроф секин-аста яшилликка бурканмоқда. Табиатнинг бу ўзгариши нафақат йил фасллари алмашинувидан, балки далаларда экин-тикин ишлари бошланишидан далолат. Бинобарин, қишлоқ хўжалиги, деҳқончиликда эришилган натижалар

айнан бугунги саъй-ҳаракатларга, кўриладиган чора-тадбирларга боғлиқ. Буни эса сувсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Ваҳоланки, глобал иқлим ўзгаришлари боис ушбу неъмат танқислиги йилдан-йилга кўпроқ сезилмоқда.

## Сув хўжалиги

Жорий йилнинг 24 февраль куни Президентимиз раислигида қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасида амалга ошириладиган устувор вазифалар муҳокамасига бағишланган видеоселектор йиғилишида ҳам шулар хусусида сўз борди. Зеро, қишлоқ хўжалиги — мамлакатимиз экспорт савдан сўвдан фойдаланиш имкониятимиз камийиб бораётгани ҳаёт манбаини янада тежаб-тергаб ишлатишни, суғориш ишларига замонавий технологияларни жорий қилишни тақозо этипти. Истеъмол қилинаётган сувнинг 90 фоиздан

кўплаб хўжатлар қабул қилиниб, зарур шароитлар яратилаётганининг боиси шунда. Шулардан энг асосийларидан бири эса, шубҳасиз, сувдан оқилона фойдаланиш орқали экинлардан мўл ҳосил ва даромад олиш вазифасидир.

Мамлакатимизда аҳоли сони ва эътиёб ортгани сари сувдан фойдаланиш имкониятимиз камийиб бораётгани ҳаёт манбаини янада тежаб-тергаб ишлатишни, суғориш ишларига замонавий технологияларни жорий қилишни тақозо этипти. Истеъмол қилинаётган сувнинг 90 фоиздан

ортиги қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келишини инобатга олсак, фақат сув тежовчи технологияларни қўллаш орқали маълум натижага эришиш мумкинлиги ойдинлашади.

## Бу йил обихаёт тақчил бўладими?

Бу йил Ўзбекистонда сув қандай бўлади? Ушбу савол айна баҳорги деҳқончилик ишлари арасидада кўпчиликни қизиқтираётгани, табиий, албатта.

Гидрометеорологик вазият таҳлили ва дастлабки баҳолаш натижалари 2021 йил вегетация

даврида Амударё ва Сирдарё ҳавзаларининг аксарият дарёларида сув сарфи меъёрга нисбатан сезиларли камийишни кўрсатмоқда.

Ўзбекистон ҳудудидеги сув омборларида сув захираси 10 миллиард куб метр бўлиб, бу 2020 йилдаги нисбатан 2,3 миллиард куб метр, ўртача кўп йилликка нисбатан эса 1,5 миллиард куб метрга кам. Бундан ҳам кўринадики, жорий йилда сувни имкон қадар тежаб ишлатишга тўғри келади. Албатта, экин майдони ва ҳосилдорликка таъсир этмаган ҳолда.

Айтиб ўтганимиздек, видеоселектор йиғилишида сувдан тежаб фойдаланиш масалалари ҳам батафсил муҳокама қилинди. Суғориш мавсумида сув таъминоти меъёрга нисбатан кам бўлиши қўйлаётгани сабабли унинг исрофига умуман йўл қўймаслик зарурлиги қайд этилди.





Давра суҳбати

Кеча Олий Мажлис Сенати томонидан Конрад Аденауэр фонди ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикасида экспортни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш: мавжуд муаммолар ва уларни ҳал қилишда қўнунчилиқни такомиллаштириш" мавзусида халқаро давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, вазирлик ҳамда идоралар мутасаддилари, халқаро ташкилотлар вакиллари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

ЭКСПОРТНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Қўнунчилиқни такомиллаштириш ва экспортни чекловчи салбий омилларни бартараф қилиш орқали юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш юзасидан тақдирлар ишлаб чиқиш мақсадида уштортирилган ушбу тадбирда Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ишбилармонлик муҳитини яхшилаш ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспорт салоҳиятини кенгайтириш учун қўлай шaroит яратилган иборат эканлиги алоҳида таъкидланди.

Сўнгги йилларда бу борада мамлакатимизда дадил қадамлар ташланди. Хусусан, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари экспортни қўллаб-қувватловчи миллий институтларни ташкил этишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

Давра суҳбатида ташки савадо ва экспорт қўрсаткичлари суъратининг умумий оқибий динамикасида келиб чиқиб, унинг ҳажмлари, шунингдек, тармоқлардаги экспорт ҳажмларининг амалда ўсиш суръатларини оширишни давом эттириш тавсия қилинди.

«Халқ сўзи».

Бандлик

ШАҲРИСАБЗДА АФҒОН ГИЛАМЛАРИ Тўқилмоқда

Шахрисабз шаҳрида "Afghan bazar silk carpets Shakhrisabz" МЧЖ шаклидаги Афғонистон билан ҳамкорликда афғон гиламлари ишлаб чиқаришга мўлжалланган қўшма корхона ишга тушди.

Корхона иш бошқарувчиси Насим Зиёвуддиннинг маълум қилишига кўра, гилам тўқиш ускуналари афғонистонлик ҳамкорлар томонидан олиб келиб ўрнатилган. Гилам, асосан, кўлда тўқилади. Шу боис айтиш пайтда 60 нафарга яқин шахрисабзлик хотин-қизлар аңчайин мураккаб бўлган кўлда гилам тўқиш сир-асорларини афғонистонлик мутахассислардан пухта ўрганишмоқда. Энг муҳими, Шахрисабз-

да тўқилаётган бу гиламларни Европа давлатларида экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, Шахрисабзга келаётган хорижлик сайёҳлар ҳам қўшни мамлакат билан ҳамкорликда яратилаётган қадимий усулдаги бу гилам намуналарини томоша қилиш ҳамда харид этиши учун имконият яратилди.

Фахриддин БОЗОРОВ («Халқ сўзи»).

ЎЗБЕКИСТОН ЯНА ИЛМ-ФАН МАРКАЗИГА АЙЛАНМОҚДА

Анжуман давомида "Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари ва афзалликлари", "Имом Бухорий меросининг бугунги кундаги аҳамияти ва миллатлараро то-

Муҳаммад Қосим ХАЛИМИЙ, Афғонистон Ислам Республикаси иршод, ҳаж ва вақф ишлари вазири:



— Муҳаддисдар султони Имом Бухорий ва ҳадис илмида даҳо бўлган Имом Термизий ҳамда кўплаб олим уламо, фозилу фузалу, етуқ тафсирушнослари фахрлар, кўплаб тасаввуф номояндаларию азиз-авлиёлар юртига ташриф буюрганимиздан бағоят мамнуним. Ўзбекистон шундай дёрки, Ер юзидидаги ҳар бир муслмон бу табаррук юртининг зиёратига ошқиди.

Тадбир доирасида Имом Бухорий раҳматуллоҳи алайҳининг макбарасини зиёрат қилдик. Бу табаррук жойда жуда катта ободонлаштириш ишлари олиб борилаётгани, қадим-жолар янада обод этилаётгани бизни гоят хушнуд этди.

Янада қувонарлиси, Имом Бухорий макбараси ёнида у зотнинг ҳадисларини чуқур ўрганидиган марказ барпо қилинибди. Бу олий даргоҳда олимлар томонидан буюк бобаконлар мероси кенг тадқиқ қилинмоқда.

Буларнинг барчаси Президент жаноб Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатни янада обод, халқни янада фаровон қилиш, юксак билим ва салоҳият, ватанпарвар, миллий кадрият ҳамда аъёналарга, аҳдод-

тувлиқни таъминлашдаги ўрни", "Марказий Осиё давлатларида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик, яхши қўшничилик ва ҳамжихатлик, диний-миллий кадриятларни асраб-авайлаш"

Сўз — тадбир иштирокчиларига

ларнинг бебаҳо меросига садоқатли авлодни қамолга етказишдек эзгу орзу-умидлари рўёбига хизмат қилаётди. Ўзбекистон яна илм-фан марказига айланмоқда.

Саидмукаррам АБДУЛҚОДИРЗОДА, Тожикистон Республикаси Илм маркази раиси, бош муфтий:

— Аллоҳга шукрки, бугун бизга бу табаррук юртда меҳмон бўлиш бахтини насиб этди. Президент



Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Самарқандда Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази фаолиятининг йўлга қўйилганини дунё ислоншуннослари, халқаро эксперт ва мутахассислари юксак мамнуният билан қутиб олди. Ушбу масканда бугун ёшлар отабобларининг бебаҳо меросини қўриб, кўзимиз қувнади. Олим ва толибларга яратилган замонавий шарт-шaroитлардан жуда хурсанд бўлдик.

Имом Бухорий меросининг ўзига хос хусусиятлари ва бугунги кундаги тарбиявий аҳамиятига бағишланган халқаро конференция катта қизиқиш ҳамда кўтаринчи руҳда ўтди.

Имом Бухорий ислом дини ва маданиятини равақ топтиришга бекиёб ҳисса қўшган буюк мута-

ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИДАГИ ЭВРИЛИШЛАР ДУНЁ ҲАМЖАМИЯТИГА ИНГЛИЗ ТИЛИДА ТАНИШТИРИЛДИ

Президентимизнинг пахта-тўқимачилик кластери ҳақидаги госяи Германиянинг нуфузли "LAMBERT Academic Publishing" халқаро илмий нашриётининг катта қизиқишига сабаб бўлди. Натижада ушбу нашриёт томонидан яқинда "Cotton-Textile Cluster — locomotive of the economic development" ("Пахта-тўқимачилик кластери — иқтисодий тараққиёт локомотиви") китобини инглиз тилида чоп этди.

Фикр

Дарҳақиқат, бундай тизим, яъни пахтачиликда чигит қадашдан тортиб, то ҳосилни тайёр маҳсулотга айлантириб харидорга тақдим этишгача бўлган чуқур қайта ишлаш "занжири" дунёнинг пахта етиштириладиган бирорта мамлакатиди йўлга қўйилмаган. Халқаро экспертларнинг эътирофи эшишча, Ўзбекистон халқини бой, элини фаровон қилиш мақсади муваффақ бўлган анги Ўзбекистоннинг кластер госясининг дунёда уқшаши йўқ. Ушбу тизим ўзиде илм-фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини уйғунлаштиришни боис булун юртимизда мустаҳкам пойдевори қўйилаётган учинчи Ренессансга ҳам-


ҳангдир. Хорижда нашр этилган китоб, айтиш мумкинки, ана шу эътиҳ тўғрйли дунё юзини кўрди. Энг асосийси, кластер усули шарофати билан худудларда замонавий фабрикалар ишга туширилиб, пахтачилик тармоғи санотлашмоқда. Биргина 2020 йилда 18 та кластер томонидан пахтани қайта ишлаш бўйича умумий қўймати 774 миллиард сўмлик 29 та инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Натижада кластерларда 550 минг тонна калава ип йиғирини, 204,5 миллион квадрат метр газлама, 54,5 миғ тонна мато тўқиш, 69 миғ тонна матони бўяш ҳамда 218,6 мил-

лион донга тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватлари вужудга келди. Китобда шу каби муваффақиятлар Бухородаги "BCT Cluster" ва Тошкент вилоятидаги "TCT Cluster" кластерлари фаолияти мисолида очиб берилган. Шу ўринда айтиш жоизки, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигининг қўнунчилик пойдевори мустаҳкамлашиб, ҳуқуқий ҳужжатлар такомиллаштирилипти. Натижада қўлай агробизнес муҳити яратилиб, ушбу соҳада фаолият юритаётганларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси кўчайтирилипти, кластерлар давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Утган йили 5 та қўнун, Президентнинг 12 та Фармони ва 30 дан ортик қарорлари қабул қилинган, уларнинг ичиде ижроси таъминланаётгани бунга мисолдир.

Агар соҳанинг истибқоли кластер ривожу билан чамбарчас боғлиқ экан, унинг ҳуқуқий мақомини белгилаш ҳаётий заруратдир. Шунинг учун айтиш пайтда "Қишлоқ хўжалиғи кооперацияси тўғрисида"ги, "Агрокластерлар тўғрисида"ги қўнунлар ишлаб чиқил-

моқда. Ушбу муҳим ҳужжатларни қабул қилиниши эса қишлоқ хўжалиғини янада тараққий этириш, ер оғаларининг ҳуқуқларини қўнуний ҳимоя қилиш билан бирга, уларнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Китобда пахта етиштиришнинг зарарли экологик ва ижтимоий таъсирини камайтириш мақсадида кластерларда ҳаётга татбиқ қилинаётган лойиҳалар қамраб олинган. Масалан, "TCT Cluster" кластерида "Яшилланган пахта ташаббуси" (BCI) стандартлари тизимини яратиш саъй-ҳаракатлари бошлаб юборилган. Бунинг замирида харидорнинг органик пахта етиштириш ва ҳажон бозорига органик маҳсулотлар билан кириш мақсади ётгани гоятда аҳамиятлидир.

Президентимизнинг ҳали сиёҳи кўриб улгурмаган прогрессив госяи — кластер ҳақидаги китобга 80 дан ортик мамлакатлардан бюрутмалар олингани қувонарли ҳолдир. Бундан ташқари, нашриёт асарни доимий ҳамкорлари бўлган amazon.com, libri.de, morebooks.de, umbreit.de, knjigozal.com



каби йирик интернет дўконлари орқали онлайн савдосини йўлга қўйиш арафасида экан. Демак, ҳадемай Ўзбекистоннинг кластер тажрибаси дунё давлатларига кириб боради ва атрофича ўрганилади. Бу янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган шиддатли ислохотлар мамлакат тараққиётида янги даврни бошлаб бергани халқаро ҳамжамият томонидан тан олинаётганидан ёрқин доғлатдир.

Баҳодир ТОЖИЕВ, Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиғи масалалари ва экология қўмитаси раиси.

ОФАТЛАРДАН ЖАБР КўРГАНЛАР ДАВЛАТ БОЖИ ВА КОНСУЛЛИК ЙИГИМИДАН ОЗОД ҚИЛИНАДИ

Дунёда ҳеч бир инсон табиий ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вазиятлардан тўлиқ ҳимояланган эмас. Фуқаро ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда фавқулодда вазиятдан жабр кўрса, давлат уни ҳимоя қилиши зарур. Оддий мисол, фавқулодда ҳолатда қолган фуқаро соғлиғи, мулкларидан ташқари, зарур ҳужжатларини ҳам йўқотса, унинг ҳужжатлари тиклиниши давлат ҳисобидан амалга оширилиши ҳар томонлама тўғри бўлади. Чунки ҳужжат ва ҳуқуқ тушунчалари бир-бирига жуда яқин туради.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хорижга чиқиш биометрик паспорти; — Ўзбекистон Республикаси худудида доимий яшовчи фуқаролиғи бўлмаган шахсининг хорижга чиқиш биометрик ҳаракатлини ҳужжати; — Ўзбекистон Республикаси худудида вақтинча бўлиб турган чет давлат фуқаросига ёки фуқаролиғи бўлмаган шахсга паспортнинг ёки унинг ўрнини босувчи ҳужжатнинг йўқолганлиғи ҳақидаги маълумотномани ҳамда Ўзбекистон Республикасига таклиф қилиш тўғрисидаги ҳужжати такрорий берганлик учун улар давлат божини тўлашдан озод қилиниши белгиланган қўйилляпти.

Янги қонун лойиҳаси

Шу маънода, айти қонунларда парламент куйи палатасида кўриб чиқилаётган "Давлат божи тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси муҳим аҳамиятга эга. Унга кўра, Қонуннинг 11-моддасига, яъни нотариал ҳаракатлар амалга оширилганда давлат божини тўлашдан озод этиладиганлар томифасига — Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар худудиде табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, шу жумладан, машиий тусдаги офатлар (турар ва нотуражийнинг ёнғини ёки қулаши, транспорт воситасининг ёнғини) юз бергани оқибатида жабрланган жисмоний шахслар киритилляпти. Уларга ҳужжатларнинг дубликатлари, кўчирма нусхалари ва нотариал ҳаракатларни рўйхатга олиш реестридан кўчирмалар давлат божисиз берилиши белгиланаётди.

Қонуннинг 14-моддасига ҳам қўшимчалар киритилиб, офатлар натижасида жабрланган жисмоний шахслар уларнинг йўқотилган ёки яроқсиз ҳолга келган қўнунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳужжатларини тиклаш чоғида, шунингдек, ушбу ҳужжатларнинг кўчирма нусхаси, дубликати ҳамда уларнинг маъжудлиғи ҳақида маълумотномалар Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари ёки Консуллик муассасалари томонидан талаб қилиб олинганда консуллик йиғимини тўлашдан озод қилиниши таклиф этилмоқда.

Фирдавс ШАРИПОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты.

Китоб жавонингизга СОҲИБҚИРОН ҲАМИША БИЗ БИЛАН БИРГА

Яқинда Мудоффа, Ички ишлар вазирликлари, Миллий гвардия, шунингдек, бошқа идора ва ташкилотлар кутубхоналари учун ҳамда ёш аскарларимизга тарбиявийни ўрганишда кўмак бериш ниятида Ўзбекистон халқ ёзувчиси, Давлат муҳофоти лауреати, профессор Муҳаммад Алининг Соҳибқирон бобомиз ҳаётига бағишланган китоблари қайта чоп этилди.




Улар "Улуғ салтанат" роман-эпопеяси "Жаҳонгир Мирзо", "Умаршаиҳ Мирзо", "Мироншоҳ Мирзо", "Шоҳрух Мирзо" сингари 4 китобдан иборат (тўрттинчи нашр). Асарлар Соҳибқирон ҳаётининг қирқ йиллик даврини ўз ичига олади. "Сарбадорлар" роман-дилогиясида Амир Темурунинг 24 — 30 ёшлик даври, Самарқандда юз берган воқеалар, ватанпарвар сарбадор болаларимизнинг мўғулларга қарши олиб берган аёвсиз курашлари, қаҳрамонликлари тасвирланади.

Амир Темуру қалбиде чақнаган нур" (Тўлқун Ҳайит билан биргаликда) китоби диалог-суҳбат шаклида ёзилган. Китоб низоҳияда энгил ўқулади ва ёшларга Амир Темуру ҳақида кўп маълумотлар бера олади. Таниқли адиб Муҳаммад Алининг мазкур асарлари ўқувчилар қалбига ватанпарварлик туйғусини жойлашда, Ватанини оқлашда, тарихимизни севишда, ҳақиқатни тиклашда холис хизмат қилишига шубҳа йўқ.

«Халқ сўзи».

Тақдимот Амалий тадқиқотлар олиб боришда муҳим услубий манба

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида "Оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш йўналишлари" мавзусида тайёрланган монография шаклидаги илмий-амалий тадқиқот натижаларига асосланган қўлланма тақдимоти бўлиб ўтди.



иқтисодий ривожланиши, тадбиркорлик ва ишлаб чиқариш фаолияти, бозор муносабатларида иштироки бугунги шиддатли давр талабларидан ортда қолмаслиғи керак. Монография ушбу йўналишларда аниқ тадқиқот натижаларига асосланган ва аниққса, оилаларни мустаҳкамлаш жараёнларида давлат-хусусий шерикликнинг самарали йўлларини танахш ва уларни амалга ошириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар берилгани билан катта аҳамиятга эга.

Монография Ўзбекистонда маҳалла ва оила институтларининг мазмун-моҳияти, оилани қўллаб-қувватлаш тамойиллари ва уларни ҳар томонлама ривожлантиришнинг концептуал таҳлиллари ҳамда муаммолари таҳлилга бағишланган. Шунингдек, оила тадбиркорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий функциялари ва турли соҳаларда давлат-хусусий шериклигини ривожлантириш йўллари ҳам таклиф этилган.

Таъкидланганидек, мазкур монография мамлакатимиз иқтисодиётининг инновацион ривожланишини таъминлаш шaroитида маҳалла ва оилани ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш ҳамда уни ривожлантириш усуллари ва мезанизмларини такомиллаштиришга бағишланган. Қолаверса, ушбу қўнунламада кичик бизнес ҳамда оилани тадбиркорлик салоҳиятини оширишда давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ишлаб чиқиш, танахш ва амалиётга татбиқ этиш йўналишлари ҳам асосланган.

— Кейинги йилларда юртимизда оила ва унинг аъзоларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилляпти, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Дилором Тошмухаммедова. — Бунинг учун, аввало, унинг қўнунчилик базаси такомиллаштирилиб, амалиётга жорий этиб келиняпти. Муҳими, оиланинг ижтимоий-

Монографияда таъкидланганидек, мазкур қўлланма оилаларни янада мустаҳкамлаш, уларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, бу борада норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга оширишнинг "йўл хариталари"ни, шунингдек, келгусида соҳага оид концепцияларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш бўйича илмий-методологик ҳамда амалий тадқиқотлар олиб боришда муҳим услубий манба бўлиб хизмат қилади.

Раҳим ШЕРҚУЛОВ («Халқ сўзи»).

Халқаро конференция доирасида меҳмонларнинг мамлакатимиздаги диққатга сазовор жойлар, зиёратгоҳларга сажҳати ҳам ташкил этилди. Шунингдек, иштирокчилар тадбир давомида Ўзбекистонда кейинги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ижобий янгиланишлар ва ўзгаришлар билан яқиндан танишди.

моатчиликка етказиш, буюк азиз-авлиёларнинг хотирасини тиклаш, бебаҳо меросини ўрганиш, қадамжоларини обод қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлари Ўзбекистонини илм-фан, маданият, маърифат марказига айлантиришдек эзгу ниятларга, юксак мақсадларга пойдевор бўлмоқда.



бу ердаги Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари ўз даврида илм-фан ўчоғи эди. Уша вақтларда афғонистонлик илмсеварлар ҳам бу ерларга келиб, билимини оширганлар. Бугун ҳам ўша эзгу аъёналар давом этаётганидан низоҳиятда хурсандимиз. Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Термиз туманида ташкил этилган Афғонистон фуқароларини ўқитиш таълим маркази икки қўшни давлат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини ўтамоқда. Шу билан бирга, ушбу марказ афғонистонлик ёшларнинг билим ва салоҳиятини юксалтириб, уларнинг замон андозалари асосида таълим олишига имкон яратмоқда.

Қадимдан илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият бешиғи бўлиб келган Ўзбекистон тупроғи яна аввалги мавқеини тиклаётганидан беҳад шодимиз. Ишончимиз комилки, бу юртдан яна Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридидийдек буюк зотлар етишиб чиқади. Бу юртда фозилу фузалу ва дунёда донғи кетган олим уламо янада кўпаяди.

Фазл Раҳим БАСИРАТ, Кобул университети шариат факультети ўқитувчиси:

— Ўзбекистон раҳбарининг муқаддас ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини кенг жа-

Қадимдан илм-фан, маданият, маърифат ва маънавият бешиғи бўлиб келган Ўзбекистон тупроғи яна аввалги мавқеини тиклаётганидан беҳад шодимиз. Ишончимиз комилки, бу юртдан яна Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотуридидийдек буюк зотлар етишиб чиқади. Бу юртда фозилу фузалу ва дунёда донғи кетган олим уламо янада кўпаяди.



мида кўплаб маърифат ва маънавият даргоҳлари қатори мазкур илм-фан маскани фаолияти билан ҳам танишдик. Бугунги кунда юксак меъморий ечимлар асосида бунёд этилаётган бу муқташам марказда кўлэзма асарлар, тошбосма китоблар жамланishi билан илмий тадқиқот ишлари олиб борилиши, биринчи навбатда, улуғ алломаларнинг илмий фаолиятига катта эътибор бўлса, бошқа томондан, юртингизда аждодлар даҳосига ҳурмат-эҳтиромнинг яққол ифодасидир. Бу маърифат марказидан нафақат Ўзбекистон аҳолиси, балки бошқа мамлакат фуқароларига ҳам катта манфаат етади.

Дилшод КАРИМОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.

Учрашув
Ўзаро алоқалар янада мустақкамланмоқда

Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги Факултада ва мухтор элчиси Маниш Прабхт Хоразмда бўлиб, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали фаолияти билан танишди.

Бугунги кунда Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалида ҳиндистонлик бир гуруҳ талабалар тахсил олмақда. Элчи Урганч давлат университетидидаги Ҳиндистон ўқув хонасининг очилиш тадбирида ҳам иштирок этди.

Вилоят ҳокими ва элчи ўртасида бўлиб ўтган ўзаро мулоқотда таъкидланганидек, кейинги йилларда Ўзбекистон — Ҳиндистон ўртасида турли йўналишларда, хусусан, илм-фан, таълим, тиббиёт, маданият соҳаларида ўзаро алоқалар тобора мустақкамланиб бормоқда.

Жаноб элчи савдо-иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истикболлари ҳақида тўхталиб, самимий қабул учун миннатдорлик билдирди. Шунингдек, элчи Хива шаҳрининг диққатга сазовор жойларида бўлиб, Ўзбекистонда ҳар соҳада бўлаётган ўзгаришларни юқори баҳолади.

Одилбек ОДАМБОВ («Халқ сўзи»)

ЁШЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАККА ПОЙДЕВОР

Гап навқирон авлод келажаги хусусида кетар экан, шу йилнинг 27 январь кунин Президентимиз раислигида ўтказилган ёшлар бандлигини таъминлаш ва уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш муҳомаасига бағишланган видеоселектор йиғилишини алоҳида қайд этиш жоиз. Унда йигит-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича қўллаб-қувватлаш ўртага ташланди, тегишли топшириқлар берилди. Бинобарин, бунинг учун энг маъқул ечимлардан бири сифатида деҳқончилик билан шуғулланиш учун ер майдонлари бериш кераклиги айтиб ўтилди. Лекин мамлакатимизда бу имкониятдан унумли фойдаланилмапти. Хусусан, ўтган йили бу борада мурожаат қилган 14 минг ёшдан атрофи 3 минг нафарига ер берилган, холос. Шунингдек, сув таъминоти оғир ҳудудларда сугорилш қудуқлари қазиб, заҳира ерларни фойдаланишга киритиш, томорқада лимончилик, паррандчилик, қўёнчилик, асаларичилик қилишлари учун кредитлар ажратиш юзасидан топшириқ берилди.



ёндашувлар асосида ислох қилинади.

Президентимиз томонидан Ёшлар форумида йигит-қизлар тадбиркорлиги ва бандлигини таъминлаш учун 100 миллион доллар ажратиш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳамда уларнинг бизнес лойиҳаларини кредитлаш ва уларни қасб-хўнарга қўйишга сабаб бўлиши мумкин эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Биз тақриф қилаётган тизимда бундай бўлмади. Нега деганда, бунда банк маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда шартнома асосида

Бугунги кунда Мурожаатнома ва видеоселектор йиғилишида белгиланган вазибалар ижросини сифатли таъминлаш бўлган ишлар бошлаб юборилган. Жумладан, "Микрокредитбанк" АТБ томонидан янги — "Банк агенти хизмати" тизими йўлга қўйилмоқда.

2020 йилда банкимиз томонидан аҳолига ижтимоий дастурлар доирасида 1,4 триллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилган бўлса, шундан 736 миллиард сўми ёки 53 фоизи 20 мингга яқин ёшларга йўналтирилди.

Лекин тан олиш керак, ҳозир аҳолини тадбиркорликка жалб қилишнинг янада самарали ташкил этишда баъзи муаммолар кузатилмоқда. Банкларга бўлган ишончсизлик, аънавий усулда банк хизматлари кўрсатишдаги муаммолар, яъни банк ҳодимларининг бошқа хизмат вазибалари, аксарият ёшларда тадбиркорликни бошлашда биринчи қадамни қўйишга мотивация етишмаслиги қабиҳар шулар жумласидандир.

Ушбу масалаларни кредит ажратиш тизимида ҳокимият, банк ва аҳоли ўртасида уларни ўзаро боғлаб турувчи манфаатдор бўлган ирратиш орқали ечиш мумкин. Бунинг учун маҳаллабай ишлаш тизими таркибиде "Банк агенти хизмати" ташкил этилиши айни мудао.

Шу ўринда маҳаллабай юришга жалб қилинган банк хизматчиси мижозбай ишлаши керак бўлган банкда мижознинг кутиб қолишига, истеъмомчининг сабаби, ортиқча вақти кетишига сабаб бўлиши мумкин эмасми, деган савол туғилиши мумкин. Биз тақриф қилаётган тизимда бундай бўлмади. Нега деганда, бунда банк маҳаллий ҳокимият билан келишган ҳолда шартнома асосида

Энг асосийси, маҳаллалардаги агентлар лойиҳаларининг амалга оширишдан манфаатдор шахсга айланган. Яъни уларнинг ташаббуси билан бажарилган ҳар бир муваффақиятли бизнес лойиҳа учун банк томонидан бонус тариқасида мукофот пули тўлаб берилади.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, йигит-қизлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозорига талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислох қилинади.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, йигит-қизлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозорига талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислох қилинади.

хар бир маҳаллага маъсۇл банк агентини тайинлайди. Агентлар жойлардаги меҳнатга лаёқатли, маҳаллани билдирган ҳамда ёшларни ўз ортидан эргаштира оладиган, иккинчи фаол авлод инчидан танлаб олиш ва улар махсус ўқув-тайёрлов босқичидан ўтказилади.

Агентлар маҳаллаларда: — иш билан банд бўлмаган ўз тенгқуларига тадбиркорлик қилиш бўйича тушунчалар беради; — банк билан ҳамкорликда тайёр ва намунавий лойиҳаларни ёшларга тарғиб қилади; — уй шароитида ўзини оқлаган

бизнес лойиҳаларни оммалаштиради;

— мавжуд бўлган бизнес лойиҳаларининг амалга оширилишида ва молиялаштирилишида қўмақлашади; — уюшмаган ёшларни бирлаштириган ҳолда кооперацияларни ташкил этиб, тўлов интизоми, ҳамкорлик муносабатлари ва ижтимоий масъулият каби тушунчаларни шакллантиради.

Энг асосийси, маҳаллалардаги агентлар лойиҳаларининг амалга оширишдан манфаатдор шахсга айланган. Яъни уларнинг ташаббуси билан бажарилган ҳар бир муваффақиятли бизнес лойиҳа учун банк томонидан бонус тариқасида мукофот пули тўлаб берилади.

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси ушбу жараёнда фаол иштирок этмоқда. Хусусан, йигит-қизлар ўртасида бандликни таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масаласи эътиборимиз марказида бўлади. Бунинг учун келгуси йилда профессионал таълим тизими меҳнат бозорига талаб ва халқаро андозаларга мос янгича ёндашувлар асосида ислох қилинади.

Агентлар банк билан шартнома асосида ишлайди — банк ходими ҳисобланмайди.

Ушбу ташаббус дастлаб Сирдарё вилоятининг Бобўт ҳамда Тошкент вилоятининг Чиноз туманлари ёшлари билан биргаликда муҳокама қилинди. Пировардиде, ушбу туманларда пандемия даврида волонтер бўлиб фаолият юритган йигит-қизлар агент сифатида ишлашга катта қизиқиш билдирди.

Мисол учун, Бобўт тумани ҳокимлигида волонтерлик қилган Рустам Шойимқулов ва Авазбек Шаропов тумандаги бўш ерларни тадбиркор-

лик истагида юрган фуқароларга тақлиф этган ҳолда 5 та тадбиркорлик субъектини ташкил қилишга ёрдам берган. Ишончимиз комилки, бундай ташаббускорлар барча ҳудудда қўллаб-қувватланади.

Ҳозирги кунга келиб, банкимизда юқорида айтиб ўтилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тизимли ишлар белгиланган билан биргаликда, ёшларга оид дастурлар ижросини ташкил қилиш бўйича ҳар бир вилоят филиалида алоҳида бошқарувчи ўринбосари маъсۇл этиб бириктирилди.

Қасб-хўнарга ўқиб, сертификат олган ўқимларга ўз бизнесини ташкил этиш учун микрокредитлар ажратишининг содда механизми яратилди.

Жорий йилда банк хизматлари марказлари сони камида 142 тага етказилади ва бундай шохобчалар, биринчи навбатда, банк инфратузилмалари мавжуд бўлмаган чекка ҳудудларда ташкил қилинади.

Ҳудудлардаги банк бўлиналари сектор раҳбарлари билан биргаликда маҳаллабай ва "пастан юқорида" тамойили асосида ишлаш тизими ўтказилди. Натижада банкимиз билан ҳамкорлик қилиши хоҳловчилар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Биргина Бухоро вилоятининг Ромитан туманида маҳаллабай ўтказилган учрашуларда 276 нафар ишсиз йигит-қиз банк кредити ҳисобида тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истагини билдиргани аниқ шундан далolat беради.

Бундай ишларни сифатли ва кафолатли бажаришининг ўзи бўлмади, албатта. Бунинг учун мутахассислар ҳам билимли бўлиши, бугунги кун талабига жавоб бериши лозим. Шу боис банкимизнинг ўрта ва қўйи бугун ходимлари тизимли равишда ўқитилиб, қайта тайёрланапти. Қолаверса, ёшларга кредит ажратилиши, ундан самарали фойдаланиш бўйича онлайн платформа яратилмоқда. Бу муаммолар ҳалда келганда уни онлайн платформа орқали ҳал этиш имконини беради.

Бундан ташқари, махсус серти-



Микрокредитбанк

фикалот олган шахслар тўғрисида маълумот алмашиш мақсадида қасб-хўнара тадбиркорликка ўқитиш тақдирлари билан ўзаро электрон ахборот алмашиш тизимига асос солинмоқда. Умуман олганда, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш истагида бўлган барча ишсиз ёшларнинг банк кредитига бўлган эътибини ўз вақтида қондириш чоралари қўрилади. Айни шу мақсадлар учун жорий йилда 1,4 триллион сўм имтиёзли кредитлар бериш режалаштирилган. Уларнинг манбалари ҳам аниқ, Яъни Президентимизнинг қарорига асосан, Тикланиш ва тараққийёт ҳамжаммасидан 45 миллион АҚШ доллари (472 миллиард сўм) миқдориде ресурслар йўналтирилади. Эътиборлиси, ушбу маблагнинг ўзи 2020 йилда "Ёшлар — келажакимиз" Давлат дастури доирасида ажратилган 101 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлардан қарийб 5 баробар кўпдир.

928 миллиард сўм миқдоридеги маблаг эса аввалги кредитларнинг бу йилги қайтими ҳисобидан берилади. Буларнинг бари 40 мингга яқин ёшларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қилади. Бугунги кунга қадар 536 нафар ўқил-қизга 21,5 миллиард сўм миқдориде имтиёзли кредитлар ажратилганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қисқача айтганда, эндиликда "Микрокредитбанк" АТБ ёшларнинг лойиҳаларини молиялаштирувчи, уларга яқин қўмақчи муассаса сифатида янада қўлайлик туғдиришга, бу орқали уларнинг элу юртга наф келтиришларига шарт-шароит яратишга интиломоқда.

Ориф БУТАЕВ, «Микрокредитбанк» АТБ бошқарувчи раиси.

Хизматлар лицензияланган.

ЭЪЛОН

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИ

Тошкент давлат шарқшунослик университети хоризжий Шарқ ва Гарб мамлакатлари тиллари, адабиёти, тарихи, маданияти, халқаро муносабатлари, шунингдек, хоризжий Шарқ минтақаси мамлакатлари ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёналари ривожланишини ўргатувчи Марказий Осиёдаги энг йирик ва нуфузли олий ўқув юрти ҳисобланади. Бугунги кунда университетда 7 та бакалаврият таълим йўналиши ҳамда 12 та магистратура мутахассислиги бўйича сабоқ берилади. Куйида 2020/2021 ўқув йилида университетни мавжуд таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат гранти ҳамда тўлов-шартнома асосида битираётган талабалар ҳақидаги маълумотлар вилоятлар кесимида берилган. ТДШУ раҳбарияти республикамиздаги давлат муассасалари, корхона ва ташкилотлар, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектларида мавжуд вакант иш ўринлари ҳақида маълумот беришларини сўрайди.

2020/2021 ўқув йилида Тошкент давлат шарқшунослик университети тугатаётган битирувчилар тўғрисида маълумот.

Table with columns for Faculty, Program, and various regional departments (Bukhara, Jizzah, Namang, etc.) showing student counts for different subjects.

Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй Телефонлар: 71-236-15-24, 90-998-24-28.

Advertisement for 'Xalq S'uzi' newspaper featuring contact information for the editor-in-chief, subscription rates, and a QR code.